# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 11 июль. Жума №55 (5.826). Сотувда эркин нархда


# ЁЗ НЕЪМАТИ—ЭЛ ДАСТУРХОНИГА





## ЖАРҚЎРҒОН ТАРВУЗЛАРИ

Сўнгги йилларда Жарқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида иқтисодиётни мустаҳкамлашга қаратилган ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада қатор соҳалар бирдек ривожланаяпти. Мазкур хўжалик асосан тут ва мевали дарахт кўчатлари етиштириш билан шуғулланади. Улар Сурхондарёнинг деярли барча хўжаликларига жўнатилади. Жорий йилда уста соҳибкорлар 1 миллиондан ортиқ кўчат сотишни режалаштиришган.

Иқтисодий ислоҳот туфайли бу ерда ҳам ердан, техникадан унумли фойдаланишнинг кенг имкониятлари яратилди. Жумладан, 70 гектарда ғалла парваришланиб, юқори ҳосил йиғиштириб олинди. 50 гектарда эса ғўзалар барқ уриб ривожланаяпти. Агротехник тадбирлар бир-бирига боғлаб сифатли амалга оширилмоқда. Заршунослар нияти ҳосилдорликни гектарига 3 центнерга ошириш. Чорва озуқаси тайёрлаш ҳам яхши бормоқда. Боғлар болга тўлди, мўл сабзавот ҳосили пишиб етилди. Айни кунларда улар пешма-пеш шаҳарликларга тортиқ этилмоқда.

Хўжаликда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Плёнка остида эртаги тарвуз етиштирилди. Бу ишда ёшлар мураббийси Ёдгор бобо Чориевнинг муносиб ҳиссаси бор. У кўп йиллик бой тажрибасини, билимини ишга солиб, бошланган ишнинг муваффақиятини таъминлади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу йил камида 120 тонна ширин-шакар тарвузлар халқимизга тортиқ этилади.

Янгиликни жорий этиш дастлаб осон кечмади. Кимлардир йил бошида ташаббусга ишончсизлик билан қарадилар. Ёдгор бобо қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг қалovини топган миришкор бўлгани учун бригада бошлиғи Абдуғани Маматов устозини қўллаб-қувватлади. Яхши ният билан ерга уруғ қадашди. Экин парвариши уюшқоқлик билан олиб борилди. Ҳозирда чунонам тарвузлар етилдики, ҳамманинг ҳаваси келмоқда. Ёдгор бобонинг қувончи чексиз. Таъкидлашича, мавсум мобайнида камида 250 тонна ширин-шакар тарвузлар истеъмолчиларга жўнатилади.

**Суратларда: 1. Уста соҳибкор Ёдгор бобо Чориев ва бригада бошлиғи Абдуғани Маматов. 2. Пишиб етилган тарвузлар узилмоқда.**

Н. ХЎЖАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

## БИР ЙИЛДА УЧ ҲОСИЛ

Бухоро вилоятининг Д.Бобоқулов номидаги жамоа хўжалигида яшовчи Латифа ва Акмал Аҳмедовлар оиласи учун томорқа катта даромад манбаига айланди. Улар 0,12 гектарлик томорқадан шу йил баҳорда бир неча ўн минг сўмлик эртаги карам, бодринг, картошка сотдилар. Оила иссиқхонада етиштирилган эртаги сабзавот кўчатини сотишдан ҳам яхшигина фойда олди.

— Ўтган йили биз томорқамиздан жами 150 минг сўмдан кўпроқ даромад қилдик, — деди Акмал Аҳмедов. — Бу йил оладиган фойдамиз икки—уч баравар кўпаяди, деб ўйлайман. Биз ишдан қочмаймиз, оилани таъминлаш учун тер тўкиб меҳнат қилиш зарурлигини яхши биламиз.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганишга бағишланган китобхонлар конференцияси ўтказилди. Унда Маданият ишлари ва халқ таълими вазирликлари, Фанлар академияси, нашриётлар вакиллари, шаҳар кутубхоналари ходимлари, китобхонлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг янги асарида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари теран таҳлил этилиб, яқин келажакдаги тараққиётимиз уфқлари кўрсатиб берилганини таъкидладилар. Китобда халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг, хусусан маънавий қадриятлар, миллий онгни янада юксалтиришнинг долзарб масалалари баён этилган, бу борада маърифатчилар олдида турган вазифалар белгилаб берилган.

**(ЎзА).**

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

**Навоий вилояти деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртмасини бажарди. Эл хирмонига 66,6 минг тонна дон тўкилди. Ўртача ҳосилдорлик 30,5 центнерни ташкил этди. Яна икки минг тонна дон топширишга қарор қилинди.**

**(ЎзА)**

## *БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА*

Катта ариқ ёқалаб бироз юрилгач, жаннатмакон боғу роғлар қаршисидан чиқдик. Нақшин олмалар кўзни қувнатади. Ҳосилини кўтара олмай шохлари ерга теккан шафтолилар, сўлим маскан четидаги анвойи гуллар таърифини келтиришга қалам ожиз. Қибрай туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалиги боғ ва далаларида ҳар қачонгидан кўп неъмат етиштирилди. Миришкорлар бу йил эл дастурхонига 4600 тонна сабзавот, 900 тонна мева, 100 тонна ўзум етказиб беришга аҳд қилишган. Сархил неъмат пешма-пеш истеъмолчиларга тортиқ этилаяпти. Бунда Маҳаматжон Болтабоев, Ойбек Эгамназаров, Рустам Иброҳимов, Мирҳосил Жалилов етакчилик қилаётган бригадаларнинг муносиб ҳиссаси бор. Эътиборлиси шуки, ҳар бир миришкор мўмай даромадни кўзлаб ҳаракат қилаяпти.

Шарбатга тўлган неъматларни йиғиштириб олишда Норбуви Тастанова, Карима Жуманова, Анвар Ашуров, Раҳим Айдаровлар барчага намуна бўлишаяпти. Бундай кишиларнинг жонбозлиги туфайли шаҳарликлар дастурхонига бир кунда ўрта ҳисобда 20 тонна ош лавлаги, болғар қалампири, помидор етказиб берилаяпти.

Хўжаликда бу йил ғаллачиликда илдам қадамлар қўйилди. Уруғчиликка алоҳида эътибор берилганлиги, айниқса қирчиллама қиш кезлари майсалар парвариши оби-тобида олиб борилганлиги, ўғитга зўр берилганлиги мақсадга эришишда муҳим омил бўлди. Ўримйиғим моҳирлик билан ташкил этилди. Натижада 650 тонна ўрнига 820 тонна сара дон сотилиб, давлат буюртмаси барвақт бажарилди. Ҳосилдорлик биринчи марта гектарига 42 центнерни ташкил этди.

— Уста деҳқонларимиз мева ва сабзавотларнинг сифатини тўла сақлаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш йўлларини пухта ўзлаштириб олдилар, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Акмал Назаров. — Келаси ҳафтадан бошлаб маҳсулот янада кўпаяди.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ.**

## «КУШОН»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

**Наманган вилоятининг Косонсой тумани деҳқонлари ўзлари етиштирган помидорни қайта ишлаш учун тумандан ташқарига жўнатишларига ҳожат қолмади. Маҳаллий «Кушон» консерва заводида помидордан паста тайёрлайдиган линия ишга тушди. Бу линиянинг қуввати қайта ишлаш учун қўшни туманлардан ҳам помидор ҳосилини қабул қилишга имкон беради.**

**Маҳсулотни сотишда ҳам қийинчилик бўлмайди. Тузилган шартномаларга мувофиқ томат пастасининг бир қисми Украина ва Россиянинг бир қанча вилоятларидаги истеъмолчиларга етказиб берилади.**

**«Кушон»нинг хилма-хил маҳсулотлари қаторига яқин вақт ичида янгилари қўшилади. Мева шарбати ишлаб чиқарадиган линия ишга туширишга тайёр. Завод ходимлари тез орада олмани қайта ишлаш учун мўлжалланган ускуналарни ўрната бошлайдилар.**

## САРСОНЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

### дейишмоқда Зафароботдаги Ф.Хўжаев номли хўжалик меҳнатчилари

Ижара ширкатлар бирлашмаси Зафаробод туманини чеккасига жойлашган. Йўл олис, анчагина масофани босиб ўтиш керак. Одатда бирон жамоага боришга туман марказидан сим орқали мулоқотта чиқилади. Раҳбар идорадами ёки қайси ширкат, қайси далада ё устахонадами, аниқланади. Сўнг йўлга чиқилади.

Бу гал ундай бўлмади. Раиснинг қаердалигини билмай манзил томон кетдик. Ҳамроҳимиздан сабабни сўрашга истиҳолага бордик, тўғриси. Яхшики, Акрам ака Оролов далада экан. Унга нега хабар берилмаганини кейин билдик. Телефон алоқаси ишламас экан.

Катта хўжаликда овоз узатгичсиз ишлаш оғирку деб тургандик, бошқа воқеа хаёлимизни янада паришон этди. Қишлоқда биз кўрган ҳол, турган гапки ҳар қандай кишини жиддий ўйлатмай қўймайди. Болалар аравачаси, замбилғалтак ва эшакларга сув идишларни ортган аёллар, ўсмирлар у ёқдан бу ёққа ўтиб туришарди. Ўзаро суҳбатлашиб кетаётган икки аёл мулоқоти беихтиёр қулоғимизга чалинди: — Яхши, вақтида келибмиз, йўқса қуруқ қайтардик.

— Тўғри айтасиз. Анави куни зарур юмуш билан Зафарободга кетгандим. Болалар сув ололмай қолишибди. Кечки овқат тайёрлаш, чой қайнатишга жуда қийналдим. Ахир даладан очиқиб, ҳориб-чарчаб келишади. Биз томонларда ҳам сув сероб бўлармикин? Одам жуда қийналиб кетди-да.

Саратон кунларида сувга муҳтожлик, албатта, азоб. Айниқса чўл жойда ҳар томчи оби ҳаётнинг қадри бўлак. Ўйлаб кўрайлик, эртадан кечгача бир хонадонда озмунча сув сарфланадими!

— Шуни ҳам Форишдан ташиб келтирамиз, — куюниб деди бирлашма раҳбари Акрам ака Оролов. — Шу оғриқ дардни тез орада йўқотмасак бўлмайди. Ҳаммага оғир. Айниқса, аёллар ва болаларга қийин. Кундузи экин-тикин, кечқурун оила юмушлари, унинг устига сув ташвиши...

Дарҳақиқат, кўпнинг мушкулини енгиллатишнинг чораси тезда топилмаса бўлмайди. Хўжалик ҳудудида тўрт ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шунча жонга сувни узоқлардан ташиб келтириш осонми? У ҳам ҳисобли.

Миришкор унумли меҳнат қилиши, экинидан мўл ҳосил олиши учун аввало рўзғоридан кўнгли хотиржам бўлиши даркор. Муаммоларга қарамай хўжалик деҳқонлари сидқидил ҳаракат қилиб парвариш ишларини намунали олиб боришаяпти. Буни дала кезиб ўз кўзимиз билан кўрдик. 1080 гектар майдондаги ғўзанинг ривожи дуруст. 200 гектар атрофидаги экинзорда 1—2 тадан кўрак бор. Шаҳриддин Омонжўлов, Дониёр Нурбоев етакчилигидаги звенолар ерида ўсимлик авжи мақтагулик. Демак, кишилар ишлаяпти. Уларнинг эртанги кунга ишончи, умиди катта. Дала фидойилари энг азиз, керакли неъмат — ичимлик суви билан таъминланса уларга катта мукофот бўлур эди.

*Газета муаммони кўндаланг қўяди*

Чўлда яшаб, деҳқончилик қилиш осон эмас. Буни фақат бошидан кечирган одамгина тўла ҳис этади. Шулардан бири звено бошлиғи Суярқул Махатов. Унинг айтишича, ернинг мелиоратив ҳолати ҳам ўта ёмон аҳволда. Ерларни шўр босган. Чунки хўжалик суғориш тармоғининг энг охирида жойлашган. «Қулоқнинг охирисан деб экинлар тоза сув ўрнига зовур суви билан суғорилаверса, охир-оқибат тирикчилиги бевосита шу ерга боғлиқ бўлган одамларнинг аҳволи не кечади» дейишмоқда улар.

Хўжаликнинг бугунги молиявий аҳволи юзага келган мушкулотларни якка тартибда ҳал қилиш имкониятидан йироқ. Бу кўплашиб амалга ошириладиган юмуш. Умид қиламизки, Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда тегишли мутассадди идоралар раҳбарлари Зафаробoддаги Ф. Хўжаев номли ижара ширкатлар бирлашмасида яшовчи аҳолидан ёрдамларини аяшмайди. Қарс икки қўлдан, деганлар. Негаки, бирлашма қаддини ростлаб маблағ топгунича анча фурсат ўтади. Ҳаёт эса давом этмоқда. Одамларга сув зарур.

Яна бир гап. Ҳозирги замонни телефон алоқасисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсон — тирик жон; касал бўлиши, ёҳуд зарур жойга зудлик билан хабар етказиш зарурати доим бор. Шуни эътиборга олиб телефон хизматини йўлга қўйиш шарт. Қайси даврда яшаётганимизни унутмайлик ахир.

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**З. РИХСИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.**

## *Матбуот сўзининг таъсири*

## «ҲУҚУҚБУЗАР ХАВФГА БОТАР, ҚИНҒИР ЮРГАН ЖАЗО ТОРТАР»

**Газетамизнинг шу йил 10 июнь сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда таъкидланганидек Сирдарё вилоятида кейинги пайтларда ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши бирмунча жонланди. Интизомни мустаҳкамлаш, ичкиликбозликка қарши курашиш, тартиббузарликка чек қўйиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.**

**Шоли курмаксиз бўлмаганидек, вилоятнинг айрим туманларида қонун-қоидаларни бузилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Жумладан, Оқолтин тумани солиқ инспекцияси ходими Қаҳрамон Паттаев ўзининг шахсий автомашинасини маст ҳолда бошқарган, йўл ҳаракат хавфсизлигини бир неча маротаба бузган.**

**Куни кеча таҳририят ушбу мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Оқолтин тумани ҳокими О. Мирҳабибов имзоси билан жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:**

1997 йил 16 июнь куни туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларининг умумий йиғилишида «Ҳуқуқбузар хавфга ботар, қинғир юрган жазо тортар» сарлавҳали танқидий мақола муҳокама этилди.

К. Паттаев хўжалик мудири вазифасида 1996 йилда 9 декабрдан бошлаб ишлаб келарди. 1997 йил 9 июнь куни, яъни мақола босилишидан бир кун олдин у ўз аризасига кўра ишдан бўшатилган.

К. Паттаевни маст ҳолда ўз шахсий автомашинасини бошқаргани ва икки маротаба ДАН ходимлари томонидан тўхтатилганлиги рост. Бундай ҳолат, табиийки туманимиз шаънига ҳам доғ бўлиб тушди.

Туман ҳокимлигида бу масала атрофлича кўрилиб, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўртасида интизомни яхшилаш, масъулиятни ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, тумандаги хўжалик, корхона ва муассаса раҳбарлари билан ўтказилган йиғилишда ҳам мақолада келтирилган далиллар муҳокама этилиб, вазифалар белгиланди.

**О. МИРҲАБИБОВ,**
**Оқолтин тумани ҳокими.**

## «НАФС БАЛОСИ ИЙМОННИ, ЧЎНТАК ДАРДИ ВИЖДОННИ КЕМИРАР»

**«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 13 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган фельетонда порахўр, таъмагир Ислом Тўқлиевнинг кирдикорлари фош этилган эди. Куни кеча таҳририят Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов имзоси билан ушбу фельетонга жавоб хати олди. Уни таҳрирсиз эътиборингизга ҳавола этамиз.**

«Қишлоқ ҳаёти» газетасида босилган «Нафс балоси иймонни, чўнтак дарди виждонни кемирар» сарлавҳали фельетонда жиноий иш рўй-рост очиб ташланган. Бу жиноят Ислом Тўқлиев томонидан 1996 йил май ойида содир этилган. Мақолани вилоят халқ таълими бошқармаси атрофлича муҳокама этди. Бу жиноят Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан аниқланиб, суд қарори билан И. Тўқлиев айбдор деб топилган ва 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилган. Шундан кейин Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири қошидаги навбатдан ташқари йиғилишда И. Тўқлиевнинг хатти-ҳаракати муҳокама қилинган.

Йиғилиш якунида қабул қилинган қарорда меҳнат тартиб-интизомига қатъий риоя қилиш, халқ таълими бўлими томонидан берилган топшириқ ва вазифалар ўз вақтида бажарилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган. И. Тўқлиевнинг ноқонуний хатти-ҳаракати текшириш даврида далиллар билан тасдиқланганлиги сабабли ишдан бўшатилганлиги кўрсатилган.

Суд ҳукми юзасидан Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими ўзининг чора-тадбирини белгилаганлиги ва уларнинг бажарилиши назоратга олинганлигини инобатга олинди.

Юқоридаги сарлавҳали фельетон босилиб чиққандан кейин вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти тасарруфимиздаги таълим муассасаларида фельетонда қайд этилган жиноятнинг олдини олиш, техникаларнинг созлигини, улардан тўғри мақсадда фойдаланишни ўрганиб келиш мақсадида мутахассислардан иборат бир гуруҳ ходимларни Қўқон шаҳрига хизмат сафарига юборди. Гуруҳ аъзолари таълим муассасаларида бўлиб, техникаларни инвентаризациядан ўтказишда, ҳужжатларнинг юритилишида, сақлаш жойларининг талабга жавоб беришида йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чора-тадбирларини белгиладилар ва уларни бажаришни ўз назоратларига олдилар.

Ўрганиш давомида ишчи гуруҳи барча таълим муассасаларида техникаларни қайта инвентаризациялашдан ўтказиш ва улар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш керак, деган хулосага келдилар.

Фельетонда кўрсатилган далиллар 1996 йилда содир этилган бўлиб, тегишли кишилар жазоланганлигини инобатга олиб, Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига бундан кейин шундай камчиликларга йўл қўйилмаслигини огоҳлантирди.

**Т. ҚУРБОНОВ,**
**Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.**

*Бухоронинг 2500 йиллигига*

# МИНОРА БЕЛБОҒИДАГИ ДАСТХАТ

Жаҳондаги кўп шаҳарлар ўз меъморий рамзларига эга. Жумладан, Бухорони Минораи Калон — катта минорасиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадим Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бу ноёб иншоот қарийб тўққиз асрдан буён кўҳна замин узра салобат билан қад кўтариб турибди.

Минораи Калон қанчадан-қанча замонларнинг зилзилаю бўронларига бардош берди. Не-не ҳукмдорларнинг сердолға давру давронлари, ўзаро жангу жадалларини, жабру ситамлари ва ёвузликларини бошдан кечирди. Уларнинг бари охир-оқибат йўқликка рихлат этди, минора эса абадий ҳаёт, эзгулик ва иймон-эътиқод тимсоли бўлиб мағрур тураверди, инсоният тараққиёти сўқмоқларидан бири — буюк ипак йўли карвонларига сўнмас маёқ бўлиб хизмат қилди.

Кўриниши, муҳандислик ечими безаклари, кўрки-тароватп билан ўхшаши йўқ бу минора 1127 йилда бунёд этилган. Уни қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон қурдирган. Айтишларича, бу ерда бундан олдин ҳам минора бўлган, лекин вақт ўтиши билан путурдан кетгани учун бузиб ташланган.

Янги миноранинг пойдевори тошдан терилган бўлиб, у юқорилагани сари ингичкалашиб боради ва, ниҳоят, гумбазли айланма кўшк билан якунланади. Қўшкдаги ўн олти равоқли дарчалар орқали бутун шаҳар ва унинг атрофлари кафтдек кўзга ташланади. Минорага унга туташ жоме масжиди томидан махсус йўлак орқали ўтилган ва 105 поғонали айланма зина билан унинг тепасига чиқилган.

Маҳобатли иншоотнинг ўзаги ҳам, безаги ҳам чорси ғиштдан терилгани, шаклларнинг ўзаро мутаносиблиги, безакларнинг бир-бирига уйғунлиги ҳали-ҳануз ақлни лол қолдиради. Безаклар орасига Қуръони карим оятлари ва турли тарихга оид куфий битиклар зухур этилган. Буларнинг ҳаммаси минорага алоҳида улуғворлик бағишлайди.

Шаҳарда турли замонларда қурилган бетакрор ёдгорликлар билан ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган ва бухоронинг ғурури бўлиб қолган миноранинг меъмори ким бўлган? Бу яқин вақтгача ҳам жумбоқ эди. Мазкур муаммо бундан йигирма бир йил муқаддам — 1966 йилда ечилди. Санъатшунос олим ва меъмор Пўлат Зоҳидов бу саволга жавобни миноранинг ўзидан топди. Унинг ижодкори Бақо исмли меъмор бўлиб, у миноранинг юқори белбоғидаги сиркор парчинли арабча битиклар давомига «амали Бақо» сўзларини ёзиб қолдирган экан.

Мутахассислар уста Бақо яратган бошқа обидалар номаълум эканини айтишади. Бироқ шу биргина миноранинг ўзиёқ унинг номини мангуликка дахлдор қилган. Зеро, Бақо сўзининг маъноси ҳам абадийлик демакдир. Афсуски, шўролар замонида Бақо каби улуғ меъмору усталаримиз қўли билан бунёд этилган маҳобатли масжиду мадрасалар, тоқи-равоқлар ҳам барча маънавий бойликларимиз каби оёқости қилинди. Минораи Калон Фрунзенинг қўшини замбараги ўқидан жароҳатланди. Уни ҳатто «ажал минораси» дейишгача бориб етишди.

Шукрлар бўлсинки, истиқлол туфайли Минораи Калоннингина эмас, бутун Бухоронинг иккинчи ёшлиги бошланди. Шаҳар ўзининг 2500 йиллигини орасталаниб кутиб олмоқда. Барча машҳур меморий обидалар таъмирланиб асл ҳолига келтирилмоқда. Бир вақтлар муаззин Минораи Калондан намозга чорлаган, катта маъракалар кунида бир йўла ўн икки минг кишини бағрига олган масжиди Калон эшиклари ҳам янгидан кенг очилади.

**Ёқуб ИБРОҲИМОВ (ЎЗА).**



• Иқтидорли ёшлар мураббийси Роҳила Камолова қизчаси Дилафрўз билан.

*Таълимга янгича ёндашув*

# ИҚТИДОРЛИЛАР УСТОЗИ

Роҳилахон жийдадек қизариб пишган, бўрсилдоқ нонларни тандирдан узар экан, нечундир нигоҳи тез-!тез дарвозахонага қадаларди. Шу куни унинг кайфияти чоғ, не ишга қўл урмасин хаёли келиши кутилажак меҳмонларда эди. Ҳар йили шу: қўлида сабоқ олган собиқ ўқувчилари ёзнинг мана шу шафоатли кунида уни йўқлаб келишади.

Шу куни муаллима яшайдиган хонадон дарвозаси кенг очилади. Қучоғи гулларга, қалби ғурурга, уйи файзга тўлади. Хотиралар юракларни сел қилиб тилга кўчади, кўнгил-кўнгилдан сув ичади.

Устоз ва шогирдлар учрашувидан маънавият нурлари балқийди. Бу йил биринчи бўлиб хонадонига яқиндагина мактабни тугатган Зулайхо Сатторова кириб келди. Роҳилахон бу доно, айни вақтда билимдон қизни ўзгача меҳр билан суяр, унинг ҳаракатчанлигию тиришқоқлигида ўзининг ёшлигини, тиниқ, мунаввар орзуларини, қўл етмас ўқувчилик дамларини кўргандек бўларди. Зулайхо эса ўқиб-ўрганишдан, изланишдан асло тўхтамасди. Мана ҳозир у бир қўлида гул, иккинчисида китоб-дафтар тутганича қаршисида намоён бўлиб турибди. Қизалоқнинг кўзларига боқиб устоз англадики, унга кўмаги зарур. Эҳ — бу қизалоқ... 11-синфни тугатмаданоқ республика олимпиадаси ғолиби сифатида талабалар рўйхатида турса-да, қўлидан китоб-дафтар тушмайди. Адабиётчи бўлишни ният қилган Зулайхонинг бугунгача астойдил математикани ўрганиши уни ҳайратга соларди. Шунда мозийга назар солиб кўпчилик фозилу фузалоларни математикани мукаммал билганларини ёдга олар, донолар йўлини тутаётган шогирди истиқболини ўйлаб, унинг камолида юртнинг эртасини кўриб, дилдан суюнарди. Нечундир ҳар гал шогирдлари камоли ҳақида ўйлаганида мунис бир сиймо, меҳрибон нигоҳ уни кузатаётгандек энтикиб кетади. Илк бор математиканинг сирли-сеҳрли йўлига бошлаган устози Маъсудахон Ваҳобова «не эзгу ишларни қилиб улгурдинг» деяётгандек боқиб турарди.

Ўқувчилик йилларида бу фариштасимон, ақли расо ўқитувчисига қанчалик ҳавас қилган эди. Ўшанда орзулари юрагига сиғмай «Мен ҳам улардек муаллима бўламан» деб ният қилгани ҳам айни ҳақиқат. Мана бу қаршисида турган қизалоқдек ўқитувчисининг кетидан қолмай танаффусларда унга эргашиб юришларини эслаб ҳозир ҳам ширин энтикди.

Орзу-умид инсонни суягувчи тиргак экан. Улар Роҳилахонни эзгулик йўлига бошлади. Мактабни аълога тугатиб, институтга кирди. Эҳ-ҳе, — ўшандан буён қанча йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб кетмади дейсиз. Бу орада турмушга чиқди, файзли оила бекаси бўлди. Умр эса оқар сувдек оқиб кетаверади, унинг ортидан эса ўзи парваришлаган ниҳоллари — шогирдлари эзгулик карвони бўлиб йилдан йилга кўпайиб, сафлари кенгайиб бораверади.

У қаерда ишламасин ўзининг ишчанлиги, талабчанлигию билимдонлиги, ўткир зеҳни билан бошқаларга ўрнак бўлди. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда юксак онглиликни камол топтириш, ўзаро муомилада ҳурмат-эътибор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш учун елиб-югурди. Хуллас, ўз эътиқодида мустаҳкам турди. Мурғак қалбларда меҳр-муҳаббату билимга қўшиб ишонч ҳам уйғотди. Умиди, ишончи уйғоқ ёшлар эса ҳаётда қоқилмай ўз ўринларини топдилар. Роҳилахон учун энг олий мукофот аслида ана шу эди.

Аммо уйғоқ қалблар ҳамиша туғён уриб тургани-дек, у ишидан қониқмай ўз устида тинмай изланди, ўқиб-ўрганишдан, билимини оширишдан эринмади. У ўқувчиларга фақат математикадан сабоқ бериб қолмай, балки ҳақгўйликка, қатъиятликка, келажакка умид билан қарашга ўргатди. Қисқаси, у математикага қўшиб, мантиққа тўла ҳаётдан сабоқ берарди.

Болаларнинг ҳар бири бир дунё. Роҳилахон ҳам ҳар бир ўқувчини умрининг мезони ва мазмуни, миллатнинг эртаси, деб қаради.

Шунинг учун ҳам Роҳилахон Камоловадек иқтидорли ўқитувчилар ишлайдиган 10-мактаб нафақат Янгиқўрғонда, балки Наманганда энг яхши илм маскани сифатида тилга тушди. Таянч намуна мактабига айланди. Муҳаммадали Неъматиллаев директорлик қилаётган ушбу билим даргоҳининг ўзига хос йўли, ўқитиш-тарбиялашда замонавий услуби бор. Мактабда 1400 нафардан ортиқ ўқувчи сабоқ олади. Ўқитувчилар ўз касбларининг билимдонлари. Уларнинг орасида математика муаллимаси Роҳилахон Камолова 23 йилдан бери у улуғ мақсадлар, нурли манзилларни кўзлаб меҳнат қилади. Муаллиманинг юраги ҳамиша шогирдлари тилагига пайванд. Ҳатто ёзнинг таътил кунларида ҳам болаларни атрофига йиғиб, сабоқ беради, олийгоҳларга ўқишга кирувчиларга фанини жон-дилидан ўргатади.

Ёзнинг бугунги муаззам кунида ҳам муаллиманинг уйида байрам, тантана. Зулайхонинг кетидан шогирдлари Дилором Тўраева, Шавкат Тўрабеков, Манзура Мамажоновалар кириб келишади. Хиёл ўтмай республика олимпиадаси ғолиблари Меҳмонали Ҳожиакбаров, Ўткир Неъматовлар гул кўтариб опани олқишлашади. Муаллиманинг дили сурурга тўлади. Унга боқиб ҳавасинг келади ва барча яхшиларга Роҳилахондек шогирдлари камолини кўриб бахтга йўғрилиб яшаш насиб қилишини ният қиламиз.

**Шоира РАУПОВА.**

*Ҳар тўғрида*

## ТАРКИ ОДАТ

**Баъзи уй ҳайвонлари қайси тилда қандай товуш чиқаришади? Мана буларга эътибор беринг-а?**

**Итларнинг вовиллаши немисчага «вац-вац», инглизчага «бац-бац», французчага «ва-ва», русчага «ав-ав», италянчага «бу-бу- ва ўзбекчага «вов-вов» деб «таржима» қилинади.**

* * *

**Немис қўйлари — мэммэ», испан қўйлари — «би-бии», турк қўйлари — «ммммми-ми», рус қўйлари — «б-бэ-э», инглиз ва ўзбек қўйлари — ба-а» деб таърифланади.**

* * *

**Хўрозлар ҳам турли хилда қичқиради. Инглиз хўрозлари — «кук-э-дудль-ду» немис хўрозлари — «кики-рики», турк хўрозлари — «кокори-ко», голланд хўрозлари — куке-луку», рус хўрозлари — кука-ре-ку», ўзбек хўрозлари — эса «қу-қуқуқу» деб айтилади.**

## ПАТ — ОЗИҚ ВА ЎҒИТ

**Қуш патида 85 фоизгача оқсил бор. Бироқ у ҳазм бўлмайди. Польшалик тадқиқотчилар пат ва тухум пўчоғини қайта ишлаб ҳосил қилган модда эса унақа эмас. Улар семиртирувчи озуқа воситаси ҳисобланади.**

**Польшада ҳар йили 200 тоннадан ортиқ пат чиқинди тариқасида йиғилиб қолади. Бир олим ана шу патдан озиқ тайёрлаш усулини таклиф этди.**

**Патга маълум вақт давомида муайян босим остида буғ таъсир эттирилади. Сўнгра қуритилиб, кукун қилинади. Ҳосил бўлган унда 80 фоизга яқин оқсил бор.**

**Жуда ифлос патлар қайта ишланиб, ундан азотли ўғит олинади. Гап шундаки, патда 12-14 фоиз азот мавжуд бўлиб, уни торф билан қориштириб азотли ўғит ҳосил қилиш мумкин.**

## САМБИТТОЛЛАР

**Польшанинг Любудскдаги баъзи боғларда одатдан ташқариги самбиттоллар ўсади. Уларнинг танаси ост томонидан иккига тармоқланиб кетган: бир шохда кумушсимон тусли, самбиттол баргини эслатувчи узун-узун баргларни кўрасиз. Кузда самбиттолларнинг ана шу барглари орасида ҳақиқий нашватилар пишиб ётади.**

А. АЛИЕВ тайёрлади.

БОЛАЛАР

## ОРОМГОҲИ

**Мироқидаги «Пахтасавдосаноат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Лочин» дам олиш масканида инглиз тилини ўрганаётган иқтидорли болалар ёзги оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда республикамизнинг 9 вилоятидан келган 247 нафар ўқувчи ва 103 нафар ўқитувчи дам олмоқда. Оромгоҳда ўн икки кун мобайнида мулоқот ва сўзлашувлар фақат инглиз тилида бўлади.**



**Тераклар соя солган файзли қишлоқ йўллари.**
**Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.**

## ДЕҲҚОН БОБО ЎГИТЛАРИ

Бирни сочсанг ерга,
мингни берар элга,

* * *

Бир туп ток эксанг,
Бир туп тол эк.

* * *

Бобонинг тол
эккани—
Узига ном эккани.

* * *

Боғ жамоли —
боғбондан.

* * *

Дарахт япроғи билан
кўркам,
Одам одоби билан.

* * *

Ер очганнинг бахти
очилади.

* * *

Ер-сув — битмас-
туганмас кон.

* * *

Ишлаганинг элингга,
Урганганинг ўзингга.

* * *

Мол боққаннинг бар-
моғидан мой томар.

* * *

Молинг зотли бўлса,
Емишинг тотли
бўлади.

* * *

Мол семирса, ёғ бўлар,
Қўриқ очилса, боғ
бўлар.

* * *

Ола эккан — оз олар
Роса эккан соз олар.

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.**

*Маданият жабҳасида*

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон театри ижодий жамоаси драматург Туроб Акбархўжаевнинг «Тўй ўрнига томоша» спектакли билан Уш ҳамда Жалолобод вилоятлари санъат ихлосмандлари ҳузурида бўлдилар. Санъат кошоналарида спектакл намойиш этиш билан бирга муаллиф Туроб Акбархўжаев, режиссёр Равшан Ёриев ва театр артистлари иштирокида учрашувлар ҳам ўтказилди. Ўзбек ва қирғиз халқи дўстлиги таранум этилган концерт дастурлари учрашувларга файз бағишлади.

* * *

Вобкент туман халқ театри ижодий жамоаси «Насриддин таклиф этади» деб номланган янги спектакли билан санъат шинавандаларини хушнуд этишди. Театрнинг бадиий раҳбари Қоир Худойберганов саҳнага олиб чиққан мазкур томошада халқ оғзаки ижодиёти, Афанди латифалари асос қилинган. Қизиқарли воқеалар, кувноқ куй ва қўшиқлар билан уйғунлаштирилган саҳна томошаси мухлислар томонидан хушнудлик билан қаршиланди.

* * *

Тўрткўл туман халқ театри ижодий жамоасининг Сайловбой Жумагулов асари асосида саҳналаштирилган «Эҳтиёт бўлинг Сарсоний» қувноқ саҳна томошаси ҳам театр шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди. Спектаклни иқтидорли режиссёр Йўлдош Сатимов саҳнага олиб чиққан, асосий образларни эса Раҳмон Норинбетов, Зулайҳо Аллашова, Тамара Худойназарова, Оллаберган Қозоқов, Худойберган Сабуров каби санъаткорлар маҳорат билан ижро этганлар.

**С. СИРОЖИДДИНОВ**

*Турмуш чорраҳаларида*

# КЕЛИН ТАНЛАШ

Кунларнинг бирида Мастон буви хонадонига эшикдан ўрта ёшлардаги икки аёл кириб келди. Меҳмонларни ҳовлида кутиб олган буви набираларидан Жория уларни уйга бошлаб бориб:

— Бувижон, меҳмонлар келишди, кутиб олинг, — деди. Меҳмонлар Мастон буви билан кўришиб, сўрашиб фотиҳа ўқилгандан сўнг улардан бири:

— Айланай эгаси, биз қулчиликка келдик, деб сўз бошлади. Шунда Мастон буви:

— Қадамларингизга ҳасанот, қутлуғ бўлсин. Менинг уч фарзандимдан уч қизим бор. Уларнинг ёшлари тенг. Узингиз танланглар. Агар тақдир қилган бўлса, қизларим сизларники бўлсин, — деб жавоб берди. Бу таклифдан ҳайрон бўлган совчилар бир неча дақиқа жим бўлиб қолишди. Жимликни меҳмонлардан бири бузиб:

— Айланай эгачи, сизнинг гапингиз менга ёқди. Сиз қизларингизга буюринг. Ҳар учови самовар қўйиб, дастурхон тузатсин. Шунда бирини танлаймиз, — деди. Буви айвон олдига келиб:

— Гавҳархон, Дамираой, Жорияхон бу ёққа келинглар, — деб қизларини чақирди ва деди:

— Ҳар қайсингиз самовар қўйиб, уйингизга дастурхон тузаб бизларни таклиф қилинглар, — деб айтди. Бувининг бу сўзларини маъносини тўла тушунмасаларда «Хўп бўлади, бувижон» дея ишга киришдилар.

Ҳар учала қиз самовар олиб, ошхонага боришди-да, сув тўлатиб олов ташладилар. Улар ичида Жория исмли набира иш қилишдан шошмасдан самоварни яхшилаб чайиб сув солди-да, тараша қилиб ёндирди, устига бостириб кўмир ташлади-да, сўнг чойнак ва пиёлаларни олиб бориб, водопроводда тозалаб ювиб уйга қайтиб дастурхон тузатди. Дастурхон тайёр бўлганида самовар ҳам биқилаб қайнаганди. Самоварни яхшилаб артиб, уйга олиб келди ва:

— Бувижон, меҳмонларингизни дастурхонга таклиф қилинг, деди. Мастонбуви бошчилигида кириб келган меҳмонларни чой дамлаётган Жория ўрнидан туриб табассум ила кутиб олди. Улар ўтириб фотиҳа ўқишгач, Мастонбуви нон ушата туриб, Жорияга маъноли қараб қўйди-да:

— Қани дастурхонга марҳамат қилинглар, менинг шу қизим жуда чаққонроқ чиқиб қолди, — деди.

Чойни дамлаб, қайтариб, буви орқали меҳмонларга чой узатган Жория бувисига қараб:

— Бувижон, сизлар гурунглашиб ўтиринглар, мен, ошхона ишларимга қарай, — деб ижозат сўрагандек бўлди. Бу сўзнинг маъносига тушунган буви мийиғида табассум билан:

— Ҳа қизим, ишларингни ўзинг билиб қилавер, — деди.

Жория ошхонага бориб овқат тараддудига уннаганини сезган совчилар ўринларидан турдилар. Мастон бувига тасаннолар айтиб тез кунда икки ёшни таништириш ҳақида келишиб олишди-да, жўнаб кетишди.

Меҳмонлар ҳовлига тушган дақиқада Гавҳар ва Дамираларнинг самовари энди қайнаган эди.

**Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли.**

*Қишлоқ хўжалик ходимлари, ишбилармонлар диққатига!*

**«ОМСКИЙ ПРИВОЗ» ЯРМАРКА МАЖМУИ**

Ўзбекистон деҳқонларини, тадбиркорларини ва тижорат ишлари билан шуғулланувчи барча кишиларни Омск шаҳар савдо ярмаркасига ташриф буюриб, сабзавот ва турли-туман мевалар билан савдо қилишга

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Шаҳримизда турли маҳсулотларни сотиш Сизга катта муваффақият келтиради.

***Маълумот учун телефонлар: Тошкентда: 63-65-69.***
***Омскда (8-3812) 33-01-86, 33-41-47, 31-53-98.***

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0437, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.